



2018 yil "07" avgust № 402

Farg'onah shahri

**Данғара тумани ҳокимининг 2018 йил 14 июнданги  
727-сонли қарорини тасдиқлаш түғрисида**

Данғара тумани ҳокимининг 2018 йил 14 июнданги 727-сонли қарорини, мазкур қарор юзасидан вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги "Ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи вилоят комиссияси"нинг тегишли хулосасини ҳамда тақдим этилган хужжатларни кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси "Ер кодекси"нинг 5,23-моддалари, "Маҳаллий давлат ҳокимияти түғрисида"ти Конуннинг 6, 25-моддаларига асосланиб,

**ҚАРОР ҚИЛАМАН**

1. Данғара тумани ҳокимининг 2018 йил 14 июнданги "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ "Темирийлекилғитаъмин" бошқармаси Қўқон бирлашган ёнилғи омбори хўжалигига Янги замон МФЙ Янги замон қишлоғи худудида жойлашган туман ҳокимлиги заҳирасидаги ер майдонидан кўмир омбори қуриш ва лойиҳалаш учун ер майдони ажратиб бериш ҳақида"ги 727-сонли қарори ҳамда мазкур қарор юзасидан вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги "Ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи вилоят комиссияси"нинг тегишли хулосаси тасдиқлансин.

2. "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ "Темирийлекилғитаъмин" бошқармаси Қўқон бирлашган ёнилғи омбори хўжалигига Данғара туманидаги "Янги замон" МФЙ, "Янги замон" қишлоғи худудидан, туман ҳокимлиги заҳирасидаги, қишлоқ хўжалиги харитасининг 2222-контурнида жойлашган жами 1,18 гектар, шундан 73 балл бонитетли, 0,90 гектар экин ер майдони, 0,06 гектар ариқ ва зовурлар, 0,22 гектар қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган бошқа ер майдонлари кўмир омбори қуриш ва лойиҳалаш учун танлансан ҳамда доимий фойдаланиш ҳукуқи билан белгиланган тартибда ажратиб берилсин.

3. "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ "Темирийлекилғитаъмин" бошқармаси Қўқон бирлашган ёнилғи омбори хўжалигига:

ушбу қурилиш учун рухсат бериш кўзда тутилган ер майдонига фақат бош режа асосида, тасдиқланган лойиҳа-смета хужжатларига таяниб, Архитектура ва қурилиш бошқармасининг кўрсатмаларига риоя этган ҳолда қурилиш ишларини олиб бориш, қурилиш даврида ер қонунчилигига, санитария-гигиена, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ёнғин ҳавфсизлиги талабларига амал қилиш шартлиги;

қурилиш давомида чегарадош ер участкалари эгалари, фойдаланувчилари, ижарачилари ва мулқдорларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузмаслик чораларини қуриш;

мазкур қурилиш учун ер участкаси сүфориладиган ер майдонларидан танланиши ва ажратилиши муносабати билан Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 146-сонли қарорининг 2-иловаси билан тасдиқланган “Ер участкалари эгалари, фойдаланувчилари, ижарачилари ва мулкдорларининг кўрган заарларини, шунингдек, қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш тартиби тўғрисида”ги Низомга Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 21 сентябрдаги 317-сонли қарорига асосан киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни инобатга олган ҳолда ҳисобланган 72 157 000 (етмиш икки миллион бир юз эллик ётти минг) сўм миқдордаги маблағ вилоят Ер ресурслари ва Давлат кадастри бошқармасининг маҳсус ҳисоб рақамига белгиланган тартибда ўтказиб берилиши, шунингдек, қурилиш жараёнида фермер хўжаликлари ва бошқа ердан фойдаланувчиларга зарар етказилган тақдирда, зарар ўрнини қоплаш далолатномалари тузилиши ҳамда амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ етказилган заарлар (шу жумладан бой бериладиган фойда) миқдорини белгиланган тартибда тўланиши;

курилиш учун ажратилиши кўзда тутилаётган сугориладиган майдондаги тупроқнинг унумдор қатламини кўчириб олиб, унумдорлиги паст бўлган ерларга чиқариш вазифалари юклатилсин.

4. Қурилиш учун ажратилиши қўзда тутилаётган 73 балл бонитетли 0,90 гектар сўғориладиган экин ер майдони алоҳида қимматга эга унумдор сўғориладиган ер майдонлари тоифасига кирганлиги сабабли, ушбу ер майдонини бошқа тоифага ўтказилиши Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 45-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасидан сўралсинг.

5. Вилоят Иқтисодиёт ва худудларни комплекс ривожлантириш бош бошқармаси, Давлат солиқ бошқармаси (Хабибиддинов), Статистика бошқармаси (Шамшидинов) ҳамда Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (Ибрагимов) томонидан тегишли ҳисоботларига ўзгартиришлар киритилиши таъминлансан.

**6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари Д.Ходжиахмедов зиммасига юқпатилсиз.**

Вилоят хокими



Ш.Фаниев